

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

2022

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

1 SENTYABR – MUSTAQILLIK KUNI

31

YOSHDA



SENTYABR

№44



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
6-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-6**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-6**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 44-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ЖУРНАЛИСТИКА

1. Махсума Оққўзиева
ТИББИЙ ЖУРНАЛИСТИКА – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЯХШИЛАШ ВОСИТАСИ
СИФАТИДА.....7



ЖУРНАЛИСТИКА

ТИББИЙ ЖУРНАЛИСТИКА – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЯХШИЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Махсума Оққўзиева,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
мустақил тадқиқотчиси
+998 91-948-85-86

АННАТАЦИЯ: Ушбу мақолада саломатлик мавзусини ёритишда журналист маҳорати, ихтисослашган журналистиканинг тиббий маданиятни оширишдаги ўрни, тиббий журналистлар тайёрлашнинг муҳим омил эканлиги ва «жамият саломатлиги» тушунчаси ва унинг оммавий ахборот воситаларида қандай талқин этилиши атрофлича таҳлил қилинган.

АННАТАЦИЯ: В данной статье рассматриваются навыки журналистов в освещении темы здоровья, роль специализированной журналистики в повышении медицинской культуры, важность подготовки медицинских журналистов, а также понятие «общественное здоровье» и то, как оно трактуется в СМИ.

ANNOTATION: In this article, the skills of journalists in covering the topic of health, the role of specialized journalism in improving medical culture, the importance of training medical journalists, and the concept of «public health» and how it is interpreted in the mass media are thoroughly analyzed.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Ихтисослашув, тиббий журналистика, мақсадли аудитория, «жамият саломатлиги», саломатлик, экологик омил, саломатликни сақлаш институти, масс-медиа.

Бугун ихтисослашув, ҳар бир соҳани муҳим тармоқлар орқали ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Худди шундай, журналистика ҳам бир қатор ихтисослашувлар томон кетмоқда. Шу боис бўлса керак, ҳарбий журналистика, спорт журналистикаси, халқаро журналистика, эко журналистика, ҳуқуқий журналистика атамалари бот-бот учраб турибди ва бу ихтисосликлар аллақачон ўз мактабини ҳам яратиб бўлди. Тиббий журналистика ҳам ана шундай муҳим ихтисослашган тармоқлардан биридир.

Кўпчилик тиббиёт мавзусини ёритишга панжа ортидан қарайди. Айримларни эса телевидениедаги баъзи кўрсатувлар ва етакчи тиббий нашрлар қандай қилиб бу даражага етиб келгани, саломатлик мавзуси ҳар қандай инсон учун муҳим ва қизиқарли эканлигига ҳайрон бўлишади.

Тиббий журналистика нимаси билан фарқланади?

Бугун оммавий ахборот воситаларида «Саломатликка чекишдан ҳам ёмонроқ таъсир кўрсатувчи 5 та зарарли одат» , «Кашандалик – кушандалик» , «Юрак учун фойдали маҳсулотлар» каби сарлавҳали мақолаларга тез-тез кўзингиз тушади. Бу каби мақолалар асосан ўқувчини жалб қилиш, ахборот бериш ва потенциал таъсир ўтказишга мўлжалланган. «New Scientist» нашрининг олдинги муҳаррири Майкл Кенвард шундай тушунтиради: «...Илмий тилда ёзиш – бу ҳеч ким сир сақлашни истамаган ғояларни тушунтиришга қаратилган, илмий журналистика эса ҳамма тушуниши мумкин бўлган нарсаларни изоҳлайди, аммо баъзилар уни беркитишни афзал кўришади».

Шу ўринда савол пайдо бўлади: Тиббий журналистика саломатлик ҳақида мақола ёзишдан нимаси билан фарқ қилади? Муҳим хусусияти шундаки, мавзуни аудиторияга тушунарли, таъсирли етказиб бериш ва уни таҳлил қилишдан иборат. Тиббий мавзуда ёзаётган шахс мижоз ёки ахборот тарқатувчи муассаса томонидан белгилаб берилган мавзулар бўйича матн ишлаб чиқади, тиббий журналистнинг устуворлиги шундаки, у воқеа-ҳодисани қизиқарли ёритиш орқали ўқувчини ўзига жалб қилади ва унинг қизиқишини



мавзу сўнгига қадар “ушлаб” тура олади. Бу борада аудитория ҳам муҳим роль ўйнайди.

Мақсадли аудиториялар ҳар хил бўлади: мисол учун, тиббий журналистлар аудиториясини соғлиқни сақлаш ходимларидан тортиб, турли соҳа мутахассислари, провайдерлар, бошқарув органлари, газета ўқувчлари ва телевидени томошабинлари ташкил этиши мумкин. Шундай қилиб, энг муҳими ҳикояни нишонга олиш. Баъзи олимлар ёки соғлом ҳаёт тарғиботчилари тор доирага мансуб бўлган атамалар изоҳи ва тушунилиши қийин бўлган жумлаларни қўллаш орқали ўқувчининг ўзини ноқулай ҳис қилишига сабаб бўлиши мумкин.

Жамиятда мавжуд анъанавий ғояларга кўра, саломатлик масаласи асосан тиббий муаммо сифатида кўриб чиқилади ва шунинг учун соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаси касалликларнинг олдини олиш эмас, балки уларни даволашдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, саломатлик тушунчаси кўп қиррали - жисмоний, ақлий, ижтимоий ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай жамиятда турмуш тарзининг устувор йўналишлари оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокида шаклланади. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, афсуски, умуман соғлом турмуш тарзи, хусусан, жисмоний тарбия ва спорт муаммоларини ёритишда муҳим ғоя ва концепцияни излаб бўлмайди. Шу сабабли тиббиёт мавзусини ёритиш кўп жиҳатдан аҳоли саломатлигини сақлаш ва уларни соғлом турмуш тарзи билан таништириб боришга боғлиқ бўлади.

Л.В. Куликовнинг фикрича, инсон саломатлигининг қадр-қиммати алоҳида илмий асослашни талаб қилмайди, аммо бу билан мавзуга бефарқ қараб ҳам бўлмайди.

«Жамоат саломатлиги» тушунчасининг таҳлили

Цивилизация ва жадал тарраққиёт тушунчаси ўз навбатида қуйидаги муаммолар билан ҳам характерланади: глобаллашув, атроф-муҳит ва экологиянинг ёмонлашуви, ер ресурсларининг камайиши, меҳнат турларининг ривожланиши, ҳаракатсиз турмуш тарзи, технологик воситаларнинг инсон ҳаётига жадал кириб бориши. Халқаро ҳамжамият тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу муаммони ҳал қилишнинг энг самарали усули – жамият саломатлигини сақлаш институтидир. Аммо бу кўпчилик давлатлар томонидан тан олинмайди. Замонавий тушунча ҳисобланган «жамият саломатлиги» иборасини илм-фан вакиллари ва жамият саломатлиги институти шакллантираётган шахслар томонидан кўпроқ қўлланилади.

«Жамоат саломатлиги» тушунчаси амалиётда кўпинча турли нуқтаи назарларни талқин қилишда қўлланилади. Бундай ёндашувни қўллаб-қувватлаган давлатларнинг аксарияти идобий тенденциялар кузатилмоқда. Буни кўплаб мамлакатларнинг статистикаси ишончли тасдиқлайди. Бу аҳоли сонининг ортиши, соғлом турмуш тарзи, касалликларни эрта босқичда аниқлаб, даво чоралари тезроқ қўлланилишида янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Тиббий маданият умумий маданиятининг ҳодисаси сифатида ўзига хосдир. Бугунги кунда инсон фаолиятининг тиббий маданият билан боғлиқ бўлмаган бирор соҳасини топиш мумкин эмас. Тиббий маданиятнинг моҳиятини англашнинг муҳим жиҳати у ёшларнинг интеллектуал, ахлоқий ва эстетик тарбиялашнинг самарали воситаси сифатида маънавий соҳасига таъсири билан боғлиқ. Жисмоний машқлар инсоннинг биологик моҳиятига: унинг соғлиғига, жисмоний ривожланишига, жисмоний тайёргарлигига, морфофункционал тузилмаларига катта таъсирини исботлашнинг ҳолати йўқ, лекин унинг маънавий ривожланишига таъсири алоҳида тушунтириш ва далилларни талаб қилади.

Соғлом турмуш тарзига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Шахсни соғлом турмуш тарзига ундаш мақсадида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олиш, жисмоний маданиятни ривожлантириш, шунингдек, соғлом овқатланишни таъминлаш ва ҳоказолар бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳар йили тиббий статистика ногиронлар сонининг кўпайиши ва уларнинг ортиб боришини қайд этади, бу эса ўз навбатида бутун демографик вазиятга ёмон таъсир қилади. Саломатликни сақлаш учун аҳоли ўртасида нафақат касалликлар эҳтимолини камайтирадиган, балки анъанавий ва ноанъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда инсоннинг ҳаётийлигини босқичма-босқич мустаҳкамлашга имкон берадиган янги соғлиқни сақлаш маданиятини шакллантириш, яъни тиббий маданиятни ёритиш долзарб вазифадир.

Жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг энг кучли воситаси – оммавий ахборот воситаларисиз одамларнинг ўз саломатлигига муносабатини ўзгартириш мушкул. Жа-



миятнинг дунёқараши, кадриятлари, меъёрлари, идеаллари ва хулқ-атвор намуналарини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Телевидение, радио ва матбуот маърифий, ахборот, маданий-маънавий вазифаларни бажариб, аҳолининг тиббий маданиятини юқори даражада қизиқишни ошириши мумкин.

Шуни ёдда тутиш керакки, бу борада қилиниши керак бўлган ва асосий эътибор қаратилиши муҳим саналган тавсиялар қуйидагилар:

1. Оммавий ахборот воситаларининг асосий ўрни аҳоли томонидан талаб қилинадиган ижобий маълумотларни тақдим этишдан иборат. Ўз саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун соғлом турмуш тарзи ва мотивациясини шакллантириш учун ижобий тиббий маълумотлар мунтазам равишда эфирга узатилиши, шунингдек, аудиториянинг хусусиятлари (қизиқишлари, ёши, жинси) ҳисобга олиниши керак.

2. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналиши бўлиши керак.

3. Комплекс соғломлаштириш ва профилактика дастурлари тиббий ёрдамни ташкил этиш бўйича индивидуал чора-тадбирлар билан чекланиб қолмаслиги керак, уларда гигиена таълими, алкоголизм, гиёҳвандлик, чекиш ва бошқа хавф омилларига қарши курашиш, жисмоний тарбияни фаоллаштириш, соғломлаштириш чораларини кўриши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари мавзуида II илмий-амалий семинар материаллари. – Т.: 2010.

2. Вуса М.А. Информационное общество: Информационные войны. Информационное управление. Информационная безопасность. Издательство С. – Петербургского университета, 1999.

3. Кузнецов Алексей Викторович. «Социальные взаимоотношения врачей, пациентов и СМИ». Автореферат. Воллград – 2009 йил. 13 бет.

4. Медицина и средство массовой информации. Ред. В.И.Покровский, Д.С.Саркисов, М.Медицина. 1991.

5. Олег Семенович. «Психология здорового образа жизни и средства массовой информации». Диссертация. 2005 йил.

6. Пилипцев Н. Н., Часнойть Р. А., Павлович Т. П. Здоровый образ жизни — ведущий фактор, обуславливающий здоровье // Вопросы организации и информатизации здравоохранения. — 2016. — № 2.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 6-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000